


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 13 июль, № 146 (7926) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

**Марказий Осиё — асрлар давомида умумий маданий маконга эга ягона организм. Ягона тарих, тилларнинг ўхшашлиги, умумий урф-одатлар ва қадриятлар келажакни биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда қуриш учун кенг имкониятларни яратади.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛИКДА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

## Минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичи — Ўзбекистоннинг прагматик ташқи сиёсати натижасидир.

*Маълумки, Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган янги ташқи сиёсат натижасида Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик фаоллашди. Мана шундай шароитда "Давлатлараро муносабатлардаги ижобий ўзгаришлар қай даражада барқарор? Унинг давомийлигига қандай омиллар ва мезонлар ёрдам беради?" каби саволлар бўйича чуқур мулоҳаза юритиш ҳамда уларга жавоб излаш долзарб аҳамият касб этади.*

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

### Ташаббус

Аввало таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё Ўзбекистоннинг очиқлик, хайрихоҳлик ва прагматик минтақавий сиёсати туфайли, принципиал жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ўтган беш йил давомида, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида, том маънода тарихий натижалар ҳамда ўзаро алоқадор жараёнларни ривожлантиришга эришилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганидан сўнг минтақада турли интеграциявий тузилмалар фаолият олиб борган. Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилоти ва Марказий Осиё иттифоқи шулар жумласидандир.

Бироқ айрим тўсиқлар ва камчиликлар сабабли, мазкур ташкилотлар фаолияти бардавомлигига путур етди.

*Биринчидан,* Марказий Осиё мамлакатларида 1990 йиллар бошларида миллий давлатчиликни шакллантириш масалалари устувор ҳисобланган. *Иккинчидан,* мустақилликнинг дастлабки йилларида минтақа давлатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажмининг кескин пасайиши ва аввалги иқтисодий алоқаларнинг заифлашуви натижасида хорижий давлатлар билан шериклик муносабатларини ўрнатиш сиёсати устунлик қилди. *Учинчидан,* сиёсий-иқтисодий масалалар бўйича давлатларнинг шаклланиши даврида ислоҳотларнинг турли моделлари ва суръатлари юзага келди.

Экспертларнинг фикрича, минтақавий ҳамкорликка тўсқинлик қилувчи муайян сабаблар вақтинчалик эди, албатта. Бинобарин, "Марказий Осиё" топонимидан турли тарихий даврларда турлича фойдаланилган бўлса-да, аввало, географик, этномаданий ва сиёсий жиҳатдан минтақа ривожланиш даврида ҳеч қачон давлатлараро муносабатларни чекловчи чегаралар мавжуд бўлмаган.

Шу боис ҳам минтақа халқларининг кўп асрлик муносабатлари, маданияти, дини ва тили, шунингдек, умуминсоний қадриятларга содиқлиги давлатлараро юзага келиши мумкин бўлган муаммоларга якдил жавоб қайтариш, уларни ҳал этишнинг самарали йўлларини аниқлаш ҳамда тараққиёт учун биргаликда интилиш йўлида муҳим асос яратади.

Шу нуқтаи назардан, кўплаб хорижий экспертлар минтақавий ҳамкорликнинг аҳамиятини юқори баҳолайди. Уларнинг фикрига кўра, ягона тарих, географик боғлиқлик, умумий маданият ва дин каби омиллар минтақа давлатларининг турли хатарлар ҳамда таҳдидларга қарши биргаликда курашишда ўзаро ҳамкорликнинг муқаррарлиги ва устуворлигини белгилаб берди.

Марказий Осиё давлатлари ўз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли ҳамда ташқи сиёсий-иқтисодий устувор йўналишларини танлаб олган бўлсалар ҳам кўп йиллик савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва энергетика соҳасидаги алоқалар, шунингдек, мунтазам равишда замонавий хатарлар ҳамда таҳдидларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар уларни доимий равишда бирлаштириб келган.

➡ 2

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

# АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИ

*Ўзбек ва ҳинд халқларини азал-азалдан анъанавий дўстлик ришталари, ҳамжиҳатлик, маданий-тарихий ҳамда маънавий яқинлик боғлаб туради. Ушбу боғлиқлик ҳозирги кунда икки давлат ўртасида ўрнатилган стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва кўплаб устувор йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни жадаллаштириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини бажармоқда.*

### «Халқ сўзи» учун махсус



*Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дилшод Аҳатов "Дунё" ААга Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.*

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Ҳиндистонга давлат ташрифи, 2019 йил 17-18 январь кунлари "Жўшқин Гужарат — 2019" халқаро инвестиция саммитида бош меҳмон сифатида иштироки икки давлат ўртасидаги кенг йўналишли алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, — деди дипломатия миссияси раҳбари. — Мазкур ташрифлар якунида илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида тажриба алмашиш, сайёҳлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш, адлия, соғлиқни сақлаш, фармацевтика каби соҳаларга тегишли ҳужжатлар имзоланди. Улардан Андижон вилояти билан Ҳиндистоннинг Гужарат штати, Самарқанд ва Агра шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик ҳамда шерикликни йўлга қўйиш, Андижон шаҳрида эркин фармацевтика зонасини барпо қилиш Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги битимларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Бугун дунёда пандемия билан боғлиқ чекловлар амал қилаётган бўлса-да, мамлакатларимиз ўртасида олий, юқори ва вазирликлар даражасида мулоқотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, икки томонлама муносабатлар тарихида биринчи марта 2020 йил 11 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди ўртасида "виртуал саммит" уюштирилди.

"Виртуал саммит" якунида Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги яқин дўстлик ҳамда мустаҳкам шериклик тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилинди. Бундан ташқари, иқтисодиёт, инновациялар, молиявий-техник кўмак, божхона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, журналистика соҳаларига доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

➡ 2

### Мушоҳада

# СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## юртдошларимизнинг ҳаёти ва турмуш тарзида яққол акс этмоқда

Ислоҳотлар қачон муваффақиятли, деб тан олинади? Албатта, улар шу юртда яшовчи инсонлар ҳаёт тарзи ва турмуши ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлгандагина, шундай юксак эътирофга муносиб кўрилади.

Бу ҳақда бежиз гап очмадик. Эътибор берсангиз, охирги беш йилда юртимизда катта ишлар қилиниб, салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Буни барчамиз кўриб-билиб турибмиз, хорижликлар ва халқаро ташкилотлар томонидан ҳам тез-тез эътироф этиб келинмоқда.

Миллий иқтисодиётимиз барқарор ривожланишини ҳамда бюджет тизими шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, солиқ юкини камайтириш ва солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш орқали аҳоли реал даромадини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг манфаатдорлигини ошириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларни бунга ёрқин мисол сифатида келтириш мумкин.

Бу борада қандай натижаларга эришганлигимизни тўлиқ тасаввур этиш учун охирги йилларда мазкур йўналишда амалга оширилган ишларни яна бир қур кўз ўнгимиздан ўтказсак кифоядир.

Ёдингизда бўлса, Президентнинг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони билан солиқ муносабатлари соҳасида янги тартиб-тамойиллар жорий этилган эди. Унга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ягона ставкаси 12 фоиз қилиб белгиланди ва фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган суғурта бадаллари бекор қилинди. Натижада нафақат аҳолининг реал даромадлари ошди, қолаверса, солиқ тўловларини ҳисоблаш билан боғлиқ вақт ва моддий харажатлар қисқаришига ҳам эришилди.

Концепция доирасидаги имтиёз ва қулайликлар нафақат жисмоний, балки юридик шахслар мақомидаги тадбиркорлик субъектлари учун ҳам кўзда тутилган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари учун ягона ижтимоий тўлов (янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ, ижтимоий солиқ деб номланган) ставкаси 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилди.

Кенг жамоатчилик ва тадбиркорлик субъектлари томонидан эътироф этилган ўзгаришлардан бири — 2019 йил 1 январдан бошлаб давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахслар айланмасидан ундириладиган мажбурий ажратма бекор қилинганидир. Шунингдек, фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланганлик учун ҳам тўловдан воз кечилди.

➡ 3

Марказий ва Жанубий Осиё:

# ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛОВЧИ ҲАМКОРЛИК

*Тошкентда 15-16 июль кунлари бўлиб ўтадиган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" анжуманига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.*

*Конференция кун тартибидан Марказий Осиё ва Жанубий Осиё давлатлари орасида савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика ҳамда инновациялар, "яшил технология" соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ўрин олган.*

*Анжуман олдидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ва аъзолари Марказий Осиё ҳамда Жанубий Осиё ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига оид фикрларини баён қилишди.*

2- саҳифага қаранг. ➡

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига

# ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...




## Андижон вилояти

*Бутун бир мамлакат тарихи учун ўттиз йил жуда қисқа вақт. Бироқ Ўзбекистон мана шу давр мобайнида нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатаётир. Айниқса, сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.*

*Мамлакатдаги ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар, ҳар бир соҳадаги туб ислоҳотлар, аввало, оддий халқ дунёқараши, тафаккури, муҳими, турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги жараёнлар бевосита халқ хоҳиш-иродаси, талаб ҳамда истаклари, саъй-ҳаракатлари билан амалга ошяпти.*

*Ортда қолаётган йиллар, эришилаётган ютуқлар, босиб ўтилаётган довонлар фикримизни, онгу-шууримизни ҳам чархлаётир. Эндиликда шу юрт фуқароси борки, бир саволга жавоб топмоқ истайди: "Мен Ватаним учун нима қилдим?" Шу саволнинг ўзи замондошларимизни эзгу мақсадлар ила дадил одим ташламоққа ундайди.*

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун андижонликлар замон билан ҳамнафас, маррани баланд олиб ҳаракат қилмоқдаки, бу орзулар рўёбига йўл очаётир.*

4- саҳифага қаранг. ➡

# КЕЛАЖАКНИ БИРГАЛИКДА ҚУРИШ ЙЎЛИДА

## Минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичи — Ўзбекистоннинг прагматик ташқи сиёсати натижасидир.

⬅1

Минтақавий ҳамкорликка кўмаклашувчи асосий омиллар сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Халқларнинг ягона тарихий-маданий мероси. Барчамизга маълумки, Марказий Осиё жаҳон миқёсидаги йирик савдо йўллари чорраҳасида жойлашган минтақа бўлиб, азал-азалдан маданият ва цивилизация алоқаларида муҳим ўрин тутади. Қадимда Буюк Ипак йўли (*Милоддан аввалги II аср — милодий XV аср)* халқаро транспорт йўлаги сифатида нафақат Осиё ҳамда Европа ўртасидаги савдо алоқаларини, балки қитъалар ва мамлакатлар ўртасида ахборот ҳамда цивилизациявий мулоқотни таъминлаб, янги технологиялар ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги маданияти ҳамда технологиялари, маданий қадриятлар ва технологик алмашинув учун ҳам қулай шароит яратади.

Замонавий Марказий Осиё минтақасидаги географик хилмахиллик, кўп миллатлилик, кўп тиллилик, этник ва динлараро бағрикенглик, ўзаро чамбарчас боғланган маданий ришталар фақат ушбу минтақага хос характерли жиҳатлар ҳисобланади.

2. Транспорт-коммуникация ҳамда энергетика инфратузилмасини ривожлантириш салоҳиятининг мавжудлиги. Транспорт-коммуникация ва энергетика соҳасидаги алоқаларни такомиллаштириш ҳамда минтақа транзит қувватини кўтариш масаласи минтақа давлатларини бирлаштирувчи устувор вазифалардан биридир. Уни амалга оширишнинг долзарблиги, биринчи навбатда, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш учун рақобатдош устунликлардан максимал даражада фойдаланиш зарурати билан боғлиқдир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Марказий Осиё яна бир бора Ғарб ва Шарқ ўртасидаги асосий транспорт марказига айланиши мумкин. Унда транспорт-коммуникация салоҳиятининг аҳамияти қуйидаги омиллар билан белгиланади: геоиқтисодий (*глобал иқтисодий марказлар ўртасидаги боғловчи алоқа*), геосиёсий (*транспорт йўлаклари барқарорлиги ва хавфсизлиги*), инфратузилма (*транспорт тармоғининг юқори ўтказувчанлиги ҳамда нисбий ривожланиши*), технологик (*юкланмайдиган технологиялар ва логистика хизматларидан фойдаланиш салоҳияти).*

3. Хавфсизликни таъминлаш. Хавфсизлик нуқтаи назаридан, Марказий Осиё халқлари умумий хавф ва таҳдидларга эгалиги боис минтақа давлатлари ўзаро ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасида кўплаб мақсадли ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бунда хавфсизлик, тинчлик, барқарорлик ва устувор ривожланишнинг муҳим шарти сифатида БМТ, ШҲТ, МДҲ, ЕХҲТ каби халқаро тузилмалар доирасида ўзаро яқин алоқалар ўрнатилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Марказий Осиё давлатларини замонавий хавф ва таҳдидларга қарши туриш зарурати билан боғлиқ ягона тушунча бирлаштиради. Бу эса минтақа давлатларининг фаол иштироки орқали таъминланиши мумкин.

Буларнинг барчаси Марказий Осиёни "ҳамкорлик ва тараққиёт минтақаси"га айлантириб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида муҳим пойдевор яратмоқда. Зеро, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайлангандан сўнг Марказий Осиёда минтақавий ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичи бошланди, десак, асло муболаға бўлмайди. Айниқса, ҳозир давлатлараро муносабатлар бутунлай янги парадигма асосида ривожланмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг қуйидаги асосий омиллар билан тавсифланган конструктив ва амалий сиёсати ёрдам берди.

**Биринчидан**, минтақавий ҳамкорликнинг фаоллашуви уни институтлаштиришни назарда тутмайди. Аввало, минтақа мамлакатлари олдинги тажрибалардан тегишли сабоқ олишди. Унга кўра турли минтақавий тузилмалар бирлаштирувчи омил вазифасини ўтамасдан, аксинча, ўзаро ҳамкорликка ўзига хос тўсиқ бўлди.

Шу туфайли Марказий Осиё давлатлари тараққиётнинг муҳим масалалари бўйича ҳамжиҳатликда ишлаш учун доимий мулоқот майдонини яратишга келишиб олди. Бу минтақада қандайдир янги халқаро ташкилотни шакллантириш ёки ўз Низомига эга бўлган ва давлат органларидан юқори турувчи интеграция тузилмасини яратиш шарт эмаслигидан келиб чиқилади.

Натижада Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини доимий ўтказиш бўйича муҳим келишувга эришилди. Маслаҳат учрашувининг биринчи ва иккинчи йиғилишлари Нур-Султон ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

**Иккинчидан**, минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичи ушбу ҳудуддаги мамлакатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Ваҳоланки, 1993 йилда фақатгина Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги битимни имзолаган эди. Марказий Осиё иқтисодий иттифоқидан фарқли равишда минтақа давлатлари раҳбарларига Маслаҳат учрашувини мунтазам ўтказиш бўйича таклиф маъқул тушди.

**Учинчидан**, минтақавий ҳамкорлик жараёнларининг фаоллашуви Марказий Осиё давлатлари ўртасида барқарор ва изчил ўсишни таъминлашда, энг аввало, минтақа даражасида самарали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш муҳимлигини англаш натижасидир. Шу сабабли минтақавий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати дунёдаги геосиёсий жараёнларга *(Совет Иттифоқининг парчаланиши, глобаллашув жараёнларига)* жавоб сифатида эмас, балки минтақавий яқинлик, ишончни тиклаш ва ўзаро англашув, шунингдек, барча муаммоли масалани оқилона келишувлар асосида зудлик билан ҳал этиш натижасида юзага келди.

Шунинг учун ҳам, минтақавий ҳамкорлик истиқболларига оид пессимистик прогнозлар ва баҳолар асоссиз ҳисобланади. Бу борада, Европа Иттифоқи, АСЕАН, Шимолий Кенгаш каби интеграция тузилмалари моделларини ўз тараққиёт йўлига эга Марказий Осиё билан солиштириш мутлақо тўғри келмайди.

Инглиз олими Луиза Фосеттнинг фикрига кўра Марказий Осиёда мавжуд ҳамкорлик алоқалари, асосан, "юмшоқ минтақалашув" таърифига мос келади. Унинг фикрича, бу ерда норасмий меъёрлар, тартиб-қоидалар ва шакллар муваффақиятли ҳамкорликни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, ўзаро мулоқот майдончаларини яратиш, кўплаб норасмий учрашувларни ўтказиш ҳамда турли соҳалар бўйича шартномаларни имзолаш минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга кўмаклашувчи ўзаро алоқа нормалари ишлаб чиқилишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, минтақа давлатлари XXI асрда Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида беш томонлама ҳужжат ишлаб чиқилаётгани ғоят аҳамиятлидир.

Мазкур формат самарадорлигини сўнгги йилларда минтақада эришилган макроиқтисодий натижалар ҳам кўрсатади: савдо айланмаси ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши, ташқи инвестициялар ва сайёҳлар оқимининг кескин ортиши шулар жумласидандир. Хусусан, 2019 йилда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги савдо ҳажми қарийб 7,1 миллиард долларни ташкил этиб, бу 2018 йилдагига нисбатан (5,9 миллиард доллар) 20 фоиз ўсди.

Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласида ҳам айнан шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Маълумотларга қараганда, Марказий Осиё давлатларида 2019 йилда тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб қилиш кўрсаткичи қарийб 37,6 миллиард долларга етган бўлса, бу, 2016 йилнинг мос давридагига нисбатан (26,7 миллиард доллар) 40 фоиз ортиқдир. Шу билан бирга, 2019 йилда сайёҳлар оқими 18,4 миллион нафар бўлгани ҳолда, бу 2016 йилнинг мос давридагига нисбатан икки баробар юқори ҳисобланади.

Бундан ташқари, минтақа давлатлари ўзаро юқори даражадаги ҳамкорлик, бирдамлик ва ёрдамни намойиш этмоқда. Коронавирус инфекцияси тарқалишининг дастлабки кунларидаёқ, минтақа мамлакатлари ўртасида яқиндан ҳамкорлик, хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида маълумотлар алмашувининг фаоллашуви, транспорт, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда чегараларни кесиб ўтиш бўйича ҳаракатлар мувофиқлашуви кузатилди. Қолаверса, мамлакатлараро дори-дармон, тиббий ва шахсий ҳимоя воситалари кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Қабул қилинган стратегик қарорлар натижасида, касалликнинг авж нуқтаси ҳамда ўсишининг олдини олиш, шунингдек, пандемиянинг иқтисодиётга салбий оқибатларини минималлаштириш чора-тадбирлари кўрилди.

Расмий маълумотларга кўра, 2020 йилда ЯИМнинг Қозоғистонда 2,6 фоиз ва Қирғизистонда 8,6 фоиз пасайиши кузатилди. Қолган мамлакатларда эса ўсиш суръатлари сақланиб қолди (*Ўзбекистонда 1,6 фоиз, Туркманистонда 5,8 фоиз, Тожикистонда 5,4 фоиз*). Ўз навбатида, Жаҳон банки 2021 йилда Марказий Осиёда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи ўртача 3,7 фоизгача тикланишини тахмин қилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон Президентларининг 2020 йил октябрь ойида Қирғизистондаги воқеалар бўйича қўшма баёнотига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Унда "Қирғизистон Республикасининг фаровонлиги, минтақавий хавфсизлик ва бутун Марказий Осиё мамлакатлари барқарор ривожланишининг муҳим омили экани таъкидланган. Ягона тарихга эга мамлакатларимиз, эндиликда умумий келажакни барпо этмоқда. Шу мақсадда, Марказий Осиё халқлари тарихий жиҳатдан келажак авлодлар фаровонлиги йўлида тинчлик, тотувлик ва бунёдкорлик истаги ила бирлашадилар", дейилади.

Эътиборлиси, Марказий Осиёда юзага келаётган минтақавий ҳамкорлик модели хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг етакчи сиёсатчилари ҳамда мутахассислари ўртасида атрофлича муҳокама қилиняпти. Шунингдек, бу борада Марказий Осиё мамлакатларининг бой ижобий тажрибасини ўрганиш муҳимлиги қайд этилди.

БМТ Бош котибининг махсус вакили, БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатияси бўйича минтақавий маркази раҳбари Н. Германнинг сўзларига кўра "Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик тенденцияси ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдириш ҳамда давлатларнинг маданий ва цивилизацион яқинлиги сезиларли даражада ошмоқда. Ҳозир глобал пандемия ва коронавирус инфекцияси тарқалиши давом этаётгани сабабли, иқтисодий турғун шароитда, давлатлараро ҳамкорлик ва ишончнинг ижобий динамикаси стратегик аҳамиятга молик товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва тиббиёт анжомлари, энергия манбалари кўринишидаги инсонпарварлик ёрдами етказилиши учун зарур ва хавфсиз йўлакларни тақдим этишга имкон яратди". Унинг таъкидлашича, "ушбу мураккаб даврда минтақада мавжуд бирдамлик, ҳамжиҳатлик руҳидаги анъаналардан ўрнак олса арзийди. Келгусида шунга ўхшаш мураккаб вазиятларда муносиб жавоб бера олиш учун халқаро меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланиши керак".

Айниқса, бугунги кунда, Марказий Осиё минтақаси халқаро муносабатлар тизимининг субъекти сифатидаги аҳамияти тобора ортиб бораётир. Хусусан, Россия, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи каби стратегик ҳамкор давлатлар минтақавий жараёнларни инобатга олган ҳолда, ўзларининг ташқи сиёсатига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритмоқда. Мисол тариқасида, ташқи ишлар вазирлари даражасидаги мунтазам учрашувлар, яъни Россия — Марказий Осиё, Хитой — Марказий Осиё, Ҳиндистон — Марказий Осиё, шунингдек, АҚШнинг Марказий Осиё бўйича махсус стратегияси ва Европа Иттифоқининг Янги Марказий Осиё стратегиясининг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир. Минтақавий ҳамкорлик истиқболларини таҳлил қилиш қуйидаги асосий хулосаларни чиқаришга имкон беради:

— Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик бу ортга қайтариб бўлмас жараён;

— Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик ўз тараққиёт йўлига эга;

— Марказий Осиёдаги ҳамкорлик жараёнлари нафақат минтақа давлатлари, балки халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Қолаверса, Марказий Осиёдаги ҳамкорликнинг ривожланиши трансминтақавий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қулай шароит яратмоқда.

Хусусан, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги трансминтақавий ҳамкорликни янада кенгайтиришда аввал фойдаланилмаган улкан имкониятлар очилмоқда. Ушбу йўналишдаги муҳим ютуқ сифатида, 2019 йилда Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида қабул қилинган Қўшма баёнотни кўрсатиб ўтиш мумкин. Сабаби унда барча давлатларнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга бўлган қатъий позицияси ўз аксини топган ҳамда Афғонистонни Марказий Осиёдаги савдо-иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги алоҳида таъкидланган.

> *Барчамизга маълумки, Марказий Осиё жаҳон миқёсидаги йирик савдо йўллари чорраҳасида жойлашган минтақа бўлиб, азал-азалдан маданият ва цивилизация алоқаларида муҳим ўрин тутади. Қадимда, Буюк Ипак йўли (Милоддан аввалги II аср — милодий XV аср) халқаро транспорт йўлаги сифатида нафақат Осиё ҳамда Европа ўртасидаги савдо алоқаларини, балки қитъалар ва мамлакатлар ўртасида ахборот ҳамда цивилизациявий мулоқотни таъминлаб, янги технологиялар ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги маданияти ҳамда технологиялари, маданий қадриятлар ва технологик алмашинув учун ҳам қулай шароит яратади.*

*Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ўтказилаётган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференция минтақалараро кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, шунингдек, конструктив долзарб масалаларга жавоб излаш ҳамда ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.*

**Бахтиёр МУСТАФОЕВ,**
**Марказий Осиё халқаро институти директори ўринбосари.**

## Марказий ва Жанубий Осиё:

# ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛОВЧИ ҲАМКОРЛИК

⬅1

**Дилором ФАЙЗИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси:**

— Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг дадил қадамлари ва ташаббускорлиги туфайли Ўзбекистон ташқи сиёсати фаоллашди. Айниқса, Президентимизнинг Марказий Осиё минтақаси давлатлари билан яхши қўшничилик ҳамда дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, минтақанинг улкан тарихий-маданий ва ижтимоий-сиёсий потенциалини юзага чиқариш йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатлари бугун кўпчилик томонидан муносиб эътироф этилмоқда.

Халқаро ва минтақавий даражадаги ташаббуслар туфайли Ўзбекистон халқаро ҳамжамият эътиборига тушди. Энг муҳими, илгари анча тарқоқ ҳамда ўта зиддиятли ички муносабатларга эга бўлган Марказий Осиё эндиликда халқаро майдонда яхлит бир жуғрофий-сиёсий макон сифатида гавдалана бошлади.

Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур учрашувлар минтақада хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг турли йўналишларини биргаликда ҳал қилиш учун доимий мулоқот майдонига айланди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда кузатилаётган ҳозирги ижобий динамика, ўзаро ишончга асосланган конструктив муҳитнинг қарор топиши қўшни минтақа — Жанубий Осиё билан минтақалараро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун қулай имконият яратмоқда. Ундан унумли фойдаланиш зарур. Зеро, бундай ҳамкорлик ҳар икки минтақа халқларининг янада равнақ топишига хизмат қилади.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ташқи сиёсатида Жанубий Осиё давлатлари муҳим аҳамият касб этади ва сўнгги йилларда ушбу мамлакатлар билан ҳамкорлик сезиларли даражада кучайди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёдаги етакчи мамлакатлардан бири — Ҳиндистон билан савдо алоқалари ўтган йилда пандемияга қарамай, қарийб 450 миллион долларни ташкил этди. Покистон билан савдо-сотиқ эса 120 миллион доллардан ошди. Бу аввалги йиллардагига нисбатан анча кўп дегани.

Бироқ ушбу мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлида ҳали ишга солинмаган катта захира мавжуд. Ҳозир Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тобора юксалиб боряпти. Бу эса яқин келажакда маҳсулотларимизни "бозорлаштириш" биз учун анча жиддий муаммога айланиши мумкинлигини кўрсатади. Жанубий Осиёда 2 миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилишини ҳисобга олсак, ушбу минтақа келгусида биз учун улкан бозор вазифасини ўташи мумкин.

Муҳими, ўзаро ҳамкорликдан нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки Жанубий Осиёдаги барча давлатлар бирдек манфаат топади. Агар Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, бугун Покистон ва Ҳиндистон билан товар айирбошлаш ҳажми 600 миллион доллардан ошмайди. Сабаби бизни ушбу мамлакатлар билан тўғридан-тўғри боғлайдиган транспорт-коммуникация тармоқлари мавжуд эмас. Демак, минтақалараро ҳамкорликни жадаллаштириш, бунинг учун биринчи галда қулай транспорт коридорларини барпо этиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббус — Марказий Осиёни Ҳинд океани билан боғлайдиган трансафғон транспорт йўлагини барпо этиш ғояси, бир томондан, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнини янада жадаллаштиришга олиб келса, иккинчидан, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ҳамда бошқа соҳалардаги кооперация учун улкан имкониятлар очиб беради.

**Абдулла АСЛОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси:**

— Азал-азалдан Марказий Осиё ва Жанубий Осиё минтақалари ўзаро чамбарчас боғлиқликда ривожланиб келган. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Афсуски, XIX-XX асрларда муайян объектив ва субъектив сабабларга кўра икки минтақа ўртасидаги боғлиқлик ҳамда ҳамкорлик анча сустлашиб қолди. Ҳозир эса тарихий алоқаларни қайта тиклаш фурсати келди.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг Марказий Осиё ва Жанубий Осиё халқлари ўртасида дўстлик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор.

Айниқса, Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар икки минтақа мамлакатларининг иқтисодий ўсишини таъминлаб берувчи омилга айланиши, шубҳасиз. Ушбу темир йўл қурилиб, фойдаланишга топширилса, бундан Марказий Осиё ва Жанубий Осиёдаги барча халқлар бирдек манфаат топади.

Шу йил 15-16 июль кунлари ўтказиладиган муҳим халқаро конференция ҳам Марказий Осиё ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ҳамда дўстона алоқаларни тиклаш, ишонч ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлайди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

## Ўзбекистон — Ҳиндистон:

# АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИ

⬅1

Ўз навбатида, ҳукуматлар даражасида фаол мулоқот давом этмоқда. 2020 йилнинг август ойида икки томонлама Мувофиқлаштириш қўмитасининг 1-йиғилиши, декабрда Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг 12-йиғилиши, ноябрда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ҳамда октябрь ойида Марказий Осиё — Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлари мулоқотининг иккинчи учрашуви муваффақиятли ташкил этилди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон минтақада хавфсизликни таъминлаш ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашда асосий ҳамкорлар ҳисобланади. Терроризм, халқаро жиноятчилик ва миллий хавфсизликка таҳдид солувчи бошқа ҳолатларга қарши курашиш, гиёҳванд моддалар савдосининг олдини олишда вазирликлар даражасидаги ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Шунингдек, мудофаа соҳасидаги икки томонлама алоқаларнинг ҳам фаол ривожланиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, 2020 йил бутун дунё ҳамжамияти учун оғир синовли давр бўлди. Янги коронавирус — COVID-19 касаллигининг дунё бўйлаб кенг тарқалиши натижасида вужудга келган пандемия туфайли давлатлар халқаро алоқаларда қатор чекловлар киритишга мажбур бўлди. Чегараларнинг ёпилиши ва кўплаб мамлакатларда вазиятнинг кескинлашуви туфайли зарур дори-дармонлар ҳамда тиббий ускуналар етишмовчилиги юзага келди. Шунингдек, 2021 йилнинг апрель ойидан бошлаб коронавирус пандемиясининг иккинчи тўлқини Ҳиндистонда жиддий талафотга олиб келди. Шу нуқтаи назардан, 2020 ва 2021 йилларда икки дўст давлат ўзаро ҳамкорлик алоқаларини фаол давом эттиргани, бир-бирларига инсонпарварлик кўмагини кўрсатгани таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда инвестиция соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ҳиндистон Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа турдаги моллар учун кенг истеъмол салоҳиятига эга. Ўз навбатида, мамлакатимизда олиб борилаётган фаол ислоҳотлар натижасида ҳинд инвесторлари учун Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги ошиб бормоқда.

Ўзаро савдо айланмаси ҳажмини кўтариш истиқболлари ҳар томонлама ривожланган минтақалараро транспорт йўлакларининг ишга туширилиши билан бевосита боғлиқ ва бу борадаги ташаббуслар Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистоннинг, Марказий ва Жанубий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг манфаатларига бирдек мос келади.

Ушбу умумий мақсадга эришишдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда фаоллик кўрсатилмоқда. Хусусан, 2020 йилнинг декабрида Чобаҳор денгиз порти имкониятларидан биргаликда фойдаланиш бўйича тузилган Эрон — Ҳиндистон — Ўзбекистон ишчи гуруҳи 1-йиғилишининг ташкил этилганлигини таъкидлаш лозим.

**Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференция алоҳида муҳим аҳамият касб этади.**

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида маданий-гуманитар, таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, кинематография, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги алмашинувларни ривожлантириш, миллий маданият ва хорижий тилларни ўрганиш каби қатор соҳаларда амалий ҳамкорлик изчиллик билан ривожланмоқда.

2019 йилда икки мамлакат муносабатлари тарихида илк бор Тошкент ва Андижон шаҳарларида Ҳиндистоннинг етакчи Амити ҳамда Шарда университетлари ишга туширилди ва самарали фаолият олиб бормоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг июнь ойида Ўзбекистондаги ҳинд олий таълим муассасаларининг сони яна биттага кўпайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида Жиззах шаҳрида Самбҳрам университети ташкил этилди. Университет ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш каби йўналишларда таълим дастурларини амалга оширади.

2021 йилнинг биринчи ярмида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистондаги ШҲТ Халқ дипломатияси маркази ва "Ҳиндистон —Ўзбекистон" дўстлик жамияти ўртасида алоҳида англашув меморандумлари имзоланиб, ўзаро амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг апрель ойида Самарқандда Ҳиндистоннинг "Pratiksha Hospital Group" компанияси билан биргаликда ташкил этилган "Zarmed Pratiksha Bogishamol" кўп тармоқли клиник шифохонаси ҳам фойдаланишга топширилди.

Икки томонлама алоқаларда сўнгги йилларда эришилган бу каби ютуқлар хусусида кўплаб амалий мисолларни кўрсатиш мумкин. Энг муҳими, мазкур йўналишларда фаол ҳамкорлик ҳар икки томондан зўр қизиқиш, истак ва хоҳиш-ирода билан давом эттирилмоқда.

Етакчи ҳинд таҳлилчилари Ўзбекистон бугунги кунда Ҳиндистоннинг "Act North" (Шимол билан ҳамкорлик) сиёсатининг асосий таянч устунига айланганлигини таъкидламоқда. Марказий Осиёда янги Ўзбекистоннинг тутган ўта муҳим ўрни, минтақавий ва глобал нуфузининг тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб, мамлакатимиз Ҳиндистонни Марказий Осиё билан боғловчи кўприк сифатида баҳоламоқда.

**«Дунё» АА.**
Деҳли

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

# УЙ-ЖОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

*Бугунги кунда уй-жой муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги давлат томонидан уй-жой сиёсатини изчил амалга оширишни мураккаблаштирмоқда. Бу уй-жой соҳасидаги давлат бошқарувини қайта кўриб чиқишни, уй-жой сиёсатини тартибга солишнинг самарали механизмларини жорий этиш лозимлигини англатади.*

Чунки уй-жой соҳасини тартибга солувчи қонуности ҳужжатлари таҳлили ушбу ҳужжатлар билан тартибга солинган масалаларни бевосита Уй-жой кодексида назарда тутишни тақозо этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳасида соҳада юзага келаётган муаммолар ечими ўз ифодасини топган.

Унга кўра, қонун лойиҳасида қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар назарда тутилмоқда:

— ушбу Кодексда уй-жой соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, унинг фуқаролик қонунчилиги билан чегараси аниқ белгиланмоқда. Қолаверса, фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган масалалар мазкур ҳужжатдан чиқарилмоқда;

— тураржойга бўлган мулк ҳуқуқи барча турдаги фуқаролик-ҳуқуқий битимлар орқали вужудга келиши, тураржойга бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва у билан боғлиқ чекловлар назарда тутилмоқда;

— жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатларга риоя этишдаги масъулиятини ошириш мақсадида тураржой мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси кенгайтирилиб, кўп квартирали уйлардан фойдаланиш, сақлаш билан боғлиқ чекловлар ҳамда уй-жой соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйиляпти;

— давлат уй-жой фондидан тураржой бериш ва фойдаланишни тартибга солувчи боб киритиляпти. Ушбу бобда давлат уй-жой фондидан тураржой олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифалари, давлат уй-жой фондидан тураржой бериш тартиби назарда тутилган ҳолда, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида кўчириш фақат суд тартибида амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ўз навбатида, давлат уй-жой фондига мансуб уй-жойларни иккиламчи ижарага бериш тақиқланиб, ижарага олувчи оила аъзосининг талаби бўйича тураржойни ижарага бериш шартномасининг ўзгартирилиши ҳақидаги қоидалар чиқариб ташланмоқда.

Янги таҳрирдаги Уй-жой кодексининг қабул қилиниши билан уй-жой объектларини қуришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишга эришилади. Муҳими, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил давлат уй-жой сиёсати амалга оширилади.

Сўнгги уч йилда кўп квартирали уй-жойлар сони 2 бараварга кўпайди. Бу кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатишнинг долзарблигини ошираётгани ҳаммамизга яхши маълум. Боиси бугун сайловчилар билан учрашувлар давомида кўпчилик фуқароларимиз кўп қаватли уй-жойларга кўрсатилаётган хизматлардан норозилигини, ширкатлар ишини амалда сезмаётганини билдиради. Мазкур хизматлар бошқарувидаги сансалорлик эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда мазкур ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида шу ва бошқа бир қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтилиб, узоқ тортишув ҳамда баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

**Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# СОЛИҚ-БЮДЖЕТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## юртдошларимизнинг ҳаёти ва турмуш тарзида яққол акс этмоқда



1 Тадбиркорлик субъектларини молиявий ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш нафақат солиқлар сонини қисқартириш, балки уларнинг миқдори ва ставкаларини камайтиришда ҳам намоён бўлди. Масалан, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун — 22 фоиздан 20 фоизгача, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушланадиган фойда солиғи 10 фоиздан 5 фоизгача, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди.

Шу ўринда таҳлил қилинаётган масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратиш керак. Гап шундаки, тизим ислоҳотлари жараёнида солиқ тўловчиларнинг ходимлар сонидан келиб чиқиб, соддалаштирилган тартибда солиқ тўлашини белгиловчи, ходимларни камайтириб кўрсатиш мақсадида улар билан меҳнат шартномаси расмийлаштирмасдан ноқонуний ишга жалб қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашни "конверт"да амалга ошириш каби номақбул ҳолатларга барҳам берилди. Натижада жаҳон тажрибасидан келиб чиқадиган янги тартибга асосан, йиллик айланмаси (тушуми) ўтган йил якуни бўйича бир миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган ушбу чегаравий миқдорга етган корхоналар соддалаштирилган солиқ тўлаш тартибидан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилди.

Президентнинг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги қарори билан 2019 йил 1 январдан бошлаб, календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилиши белгиланиб, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди.

2019 йил ҳам тадбиркорлар учун кенг имтиёз ва қулайликларни назарда тутувчи солиқ ислоҳотларига бой кечди. Хусусан, давлат раҳбарининг 2019 йил 27 июндаги "Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан 2019 йил 1 августдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши мумкин бўлди.

Ўша йил 1 октябрдан бошлаб 2019 йил январь ойидан сентябрь ойигача 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси (тушуми)га ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ер майдонига эга ягона ер солиғи тўловчилари қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланиши ва белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиши белгиланди.

Ҳисоб-китобни амалга оширишда қулайликлар яратиш мақсадида пахта хом ашёсини ишлаб чиқарувчилар 2019 йил ҳосилидан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиши белгиланди. Бир вақтнинг ўзида маҳсулот таннархини пасайтириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг рентабеллик даражасини таъминлаш мақсадида уларга 2018 йил 1 октябрдан илгари бўлмаган вақтда ҳақиқатда олинган ва пахта хом ашёсини етиштириш учун ишлатилган товарлар (иш, хизматлар) учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олиш, яъни бюджетга тўланадиган суммадан ушбу суммани чегирган ҳолда тўлаш ҳуқуқи берилди.

Ушбу янгиликлар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан уларга хом ашё ва материал етказиб берувчи ҳамда уларнинг маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари ўртасида кооперацион алоқаларни янада мустаҳкамлашга шароит яратди. Бу, айниқса, пахта-тўқимачилик агросаноат кластерлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, такрорий солиқ ҳисоблаш ҳолатларига барҳам берди.

Солиққа тортишда адолат тамойилини кучайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқлар бўйича имтиёз бериш ҳуқуқлари бекор қилиниб, уларга ушбу солиқлар бўйича тўлов муддатини 24 ойгача муддатга кечиктириш ваколати берилди.

Солиқ-бюджет ислоҳотлари тўғрисида гап кетганда, давлат раҳбарининг 2019 йил 26 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида 2019 йил 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу ҳужжат билан давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тартиби бекор қилинди.

Соҳадаги янгиланишлар ҳамда Солиқ концепциясида белгиланган барча йўналишлар халқаро молия ташкилотлари экспертлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, бу айни пайтда қандай самара бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Аниқ айтадиган бўлсак, солиқ-бюджет ислоҳотлари самараси бугун юртдошларимизнинг ҳаёти, турмуши тобора яхшиланиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ВИЖДОН ВА ДИН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛДИ

*Кейинги йилларда юртимизда бошқа соҳаларда бўлгани сингари инсон ҳуқуқлари, жумладан, виждон ва дин эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда янги таҳрирда қабул қилинган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун бунинг яққол мисоли бўлди, десак, айни ҳақиқатдир.*



## Муносабат

Ушбу ҳужжат соҳадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, у қўшни давлатлар ва узоқ хориждаги диний вазиятни ҳамда халқимизнинг кўп асрлик тарихи ва маданий анъаналарини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Айни чоғда унда халқаро меъёрлар талаблари, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг умумий тартибдаги шарҳлари қамраб олинганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Хўш, ушбу Қонунда қандай янгиликлар мавжуд?

Бу ҳақда сўз кетганда, аввало, диний соҳага оид муҳим тушунчаларга таъриф берилганлигини ҳамда асосий принциплар белгилаб қўйилганлигини айтиш жоиз.

Навбатдаги янгиликлардан бири сифатида диний ташкилотлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда эркинликлари кафолатлари, жумладан, юқори турувчи орган ёки судга мансабдорларнинг диний ташкилотлар ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатлари бўйича улар судга мурожаат қилганда, давлат божини тўлашдан озод этилиши мустаҳкамланганлигини келтириш мумкин.

Шунингдек, диний ташкилотни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш электрон тизим орқали амалга оширилиб, бу жараён соддалаштирилмоқда. Унга кўра, рўйхатдан ўтиш жараёнида маҳалла иштироки ҳамда диний ташкилотнинг ҳужжатларини нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинди. Маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун талаб қилинадиган шахслар сони эса 100 тадан 50 тагача қисқартирилди.

Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этиш асослари рўйхати ҳам аниқ белгиланди. Ўз ўрнида, энди рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш ҳуқуқига эга эмас. Белгиланишича, диний ташкилот қонун талабларини қўпол равишда бузган тақдирда, унинг фаолияти фақат суд орқали олти ойгача тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Қолаверса, диний ташкилотнинг рўйхатга олиниши рад этилиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлиб, бу ҳам ушбу Қонуннинг ҳар жиҳатдан пухта-пишиқ ишлаб чиқилганлигини билдиради.

Қонуннинг янгиликлари фақат шулардангина иборат эмас. Унда жамоат тартибини сақлаш, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ахлоқи, ҳуқуқлари ҳамда эркинлигини таъминлаш мақсадида диний соҳанинг давлат идоралари томонидан тартибга солинишига доир яна қатор янгиликлар ўз аксини топган.

Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

- ваколатли давлат органлари ва диний ташкилотлар ўртасида жамиятда динлараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш бўйича муносабатлар тартибга солинади;
- дин давлатдан ажратилгани ҳақидаги конституциявий принцип давлат органлари ва диний ташкилотлар томонидан бир-бирларининг ишларига ўзаро аралашмаслик шаклида белгиланди, шу сабабли давлат диний ташкилотларга бирон-бир давлат вазифасини бажаришни юкламайди. Шу билан бирга, давлат конфессияларнинг тинч-тотувликда яшашига кафил бўлади;
- диний соҳани тартибга солувчи давлат идоралари ваколатлари аниқ белгилаб берилди ва шу билан бирга, жамиятда конфессияларaро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни бузишга кўмаклашувчи миссионерлик ва прозелитизмнинг ҳар қандай кўринишлари чекланади.

Кўриниб турибдики, Қонунда тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар акс этган бўлиб, уни қўллашда тушунарсиз ҳолатлар вужудга келишининг олди олинади.

Умуман, мазкур ҳужжат, пировардида мамлакатимизда яшовчи миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ҳамда ҳамжиҳатлик муносабатлари янада мустаҳкамланиши ва юртдошларимизнинг турли диний эътиқоди ҳамда ҳис-туйғулари ҳурмат қилиниши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.**

## Янгиликлар

### ИККИ БУЮК МУТАФАККИР ҲАҚИДА ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНАДИ

*Ўзбекистон Кинематография агентлигида Ўзбекистон ва Тожикистон киноижодкорлари ҳамкорлигида янги кинолойиҳаларни яратиш бўйича онлайн мулоқот ташкил этилди.*

Қайд этиб ўтилганидек, 10 — 12 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи давомида барча соҳа қатори маданий алоқаларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Тожикистонда ўтказилган ўзбек киноси кунлари муваффақиятли ўтганини қайд этиб, буюк аждодларимиз — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳамкорликда бадиий фильм яратиш вақти келганини таъкидлади. Бу таклиф Тожикистон раҳбари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Онлайн анжуманда ҳам айнан шу масалага алоҳида аҳамият қаратилди. Фильмда икки буюк мутафаккир муносабатлари тимсолида ўзбек ва тожик халқларини асрлар давомида бир-бирига чамбарчас боғлаб келган дўстлик ҳамда қардошлик ришталарига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

### ИЧАН ҚАЛЪАДА ТАРИХИЙ ҚУДУҚ ТОПИЛДИ

*"Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳудудидаги ер остидан ўтган оқова сув тармоғи (канализация) қувурларини таъмирлаш билан боғлиқ қурилиш ва қазиш ишлари вақтида сўнгги хонлик даврига оид (XIX аср) оқова сув қудуғи топилди.*

Фанлар академияси маълумотларига кўра, қудуқ музей-қўриқхона ҳудудининг марказида, Матпанобой мадрасасининг шимоли-шарқий бурчагида жойлашган. Диаметри 190 см. бўлиб, чуқурлиги сақланиб қолган жойигача 195 см.ни ташкил қилади. Қудуқ пастдан юқорига томон торайиб, юқори қисми гумбазсимон кўринишда ёпиб қўйилган. Қудуқнинг энг юқори қисмида ғарб томондан ичи яшил тусдаги бўёқ билан сирланган сопол қувурлар тармоғи келиб уланган.

Қудуқ деворлари анча яхши сақланган.

### КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА

*Пойтахтимиздаги Халқаро шахмат академиясида анъанавий "Тошкент ёзи" рейтинг турнири бўлиб ўтмоқда.*

Аҳолининг спортга қизиқишини янада ошириш, навқирон "ақл гимнастикачи"ларини тарбиялаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилаётган турнирда 130 нафардан зиёд шахматчилар "А" ва "Б" гуруҳларига бўлинган ҳолда ғолиблик учун дона сурмоқда.

Мусобақанинг 5-туридан кейин "А" гуруҳида Даврон Шарипов ягона пешқадамга айланди. Унинг ҳисобида 5 очко бор. "Б" гуруҳида олдинги сафда бирданига уч нафар спортчи бормоқда. Абдумажид Ботиралиев, Муҳаммадсоли Раҳматуллаев ва Орият Обиджонов 5 имкониятдан 4,5 очко жамғаришган.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари 16 июль куни маълум бўлади.

**«Халқ сўзи».**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

*"Мактаб — бу ҳаёт-мамот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак".*

*Президентимизнинг ана шу ҳаётий эътирофи асосида мамлакатимизда таълим тизимига юксак эътибор қаратилмоқда. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, илму маърифатли, интеллектуал салоҳиятли, эртанги кунимиз суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтириш йўлида тизимдаги янгиланишлар ҳамда ислоҳотлар қамрови тобора ортиб бормоқда.*

## Истиқлол одимлари



Бунинг ифодасини соҳада замонавий педагогик технологиялар, ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қўлланаётгани, таълим-тарбия жараёнлари инновацион ёндашувлар асосида олиб борилаётгани, ахборот-коммуникация воситалари, мультимедиалардан оқилона фойдаланилаётгани, халқаро миқёсда ҳам таълим ва тажриба алмашув жараёнлари изчил ривожланиб бораётгани каби истиқбол одимларида яққол кўриш мумкин.

Таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар, кенг кўламли чора-тадбирлар ҳамда ташаббуслар изчил ва узлуксиздир. Бу борада эса маънавият масаласи, яъни маънавий-ахлоқий тарбия йўналишидаги амалий жараёнлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", деган ҳикматидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар бир боланинг оқил ҳамда комил инсон бўлиб улғайишида таълимга уйғун тарбиянинг аҳамияти катта. Бу таълимни тарбия билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб боришни англатади.

Шунинг учун ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги ислоҳотлар жараёнида халқ таълими тизимида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш йўналишидаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2020/2021 ўқув йилидан 1 — 9-синфлар учун Ватан туйғуси, Одобнома, Миллий ғоя, Дунё динлари тарихи каби фанларни бирлаштирган ҳолда янги Тарбия фани жорий этилган эди. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб мазкур фан 10, 11-синфларга ҳам татбиқ этилади. Ушбу фан дарсликлари анъанавий дарсликлардан фарқли равишда замонавий ёндашувлар асосида, ўқувчиларнинг психологик ривожланишини инобатга олган ҳолда тайёрлангани билан аҳамиятли.

Зотан, шиддаткор давр одимлари, тараққиёт мезонлари, янгича-замонавий ёндашувлар ўқувчи эътиборини жалб этиш баробарида унинг қалбига, онгу шуурига маънавий-ахлоқий фазилатларни сингдиришда муҳим ўрин тутади.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касблар ичида энг шарафлиси муаллимдир", деган таъкиди таълим ва тарбияда, фарзандларимиз камолида ўқитувчининг ўрни, заҳматли меҳнати қанчалар аҳамиятли эканини яққол намоён этади.

Зеро, бола бир ниҳол бўлса, муаллим уни камолот сари етакловчи келажак боғбони. Айнан шу нуқтаи назардан соҳанинг бугунги фаолиятида бола тарбияси ва камолида катта масъулиятни зиммасига олган синф раҳбарлари ҳамда мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, таълим муассасаларидаги тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада иш самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар, яъни ортиқча ҳисоботларни қисқартириш ҳамда қоғозбозликни бартараф этиш мақсадида синф раҳбарлари томонидан юритиладиган ҳужжатлар сони 10 тадан 2 тага, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари томонидан шу кунга қадар юритиб келинаётган ҳужжатлар сони 19 тадан 4 тага қисқартирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 19 январь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор йиғилишида таълим соҳасига, маънавият ҳамда тарбияга, умуман, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ барча жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, муҳим ва устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Мазкур йиғилишда келтирилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида умумий ўрта таълим муассасаларида 5-синфдан бошлаб ягона синф раҳбари фаолиятини ташкил қилиш тизими жорий этилди.

Бу, шубҳасиз, ўқитувчининг ўқувчи билан ишлашда, унинг қалбига йўл топиб, қизиқиш ва интилишларидан бохабар ҳолда камолотга етаклашида муҳим ўрин тутади.

2020/2021 ўқув йилининг III чорагидан (2021 йил 11 январдан) бошлаб республикамиздаги мавжуд барча 10 минг 8 та умумтаълим мактабига ҳудудлардаги таниқли шоир ва ёзувчилар, ижодкорлар, журналистлар, маънавият ҳамда маърифат соҳаси вакиллари 0,5 штат бирлиги асосида бириктирилгани маърифат даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар қамрови ортишига ҳисса қўшди.

Мазкур лавозим эгалари, аввало, бадиий адабиёт орқали ўқувчилар қалбида миллий руҳ, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини тарбиялаш, китобхонликни ривожлантириш, ижодий қобилиятга эга ўқувчиларни аниқлаш, саралаш, тўгараклар ташкил этиш ҳамда режа асосида маҳорат сабоқларини олиб борган ҳолда эртанги кунимиз ворисларидаги иқтидор ва қобилиятни юзага чиқариш борасида фаолият юритмоқда.

Инсон камоли ҳамда истиқболини маънавият ва тафаккур белгилайди. Ўғил-қизларимизнинг фикри теран, тафаккури кенг, ўз нуқтаи назари ҳамда дунёқарашига эга инсонлар бўлиб улғайиши янги Ўзбекистонни барпо қилишда муҳим аҳамият касб этади. Юртбошимиз "Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан бошланади", дея таъкидлагани шундан.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини мунтазам юксалтириб бориш мақсадида умумтаълим мактаби директорларининг 15 мингдан зиёд маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари фаолиятини ҳудудий, яъни туман ҳамда шаҳарлардаги Маънавият ва маърифат кенгашлари билан ҳамкорликда ташкил қилиш бўйича алоҳида тизим жорий этилди.

Ушбу тизимга асосан, 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб маънавий-маърифий ишлар буйича умумтаълим мактаблари директорларининг ўринбосарини лавозимга тайинлаш туман (шаҳар) Маънавият ва маърифат маркази тавсиясига асосан амалга оширилади ҳамда йил якуни бўйича туман (шаҳар) Маънавият ва маърифат кенгашига ҳисобот бериши ҳамда ҳисобот натижасига кўра унинг фаолиятига баҳо бериб борилиши йўлга қўйилди.

Соҳада илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштиришга ҳам эътибор беріляпти. Жумладан, юртимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар (ЮНОДС, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО) билан ҳамкорликда ўқувчиларни умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган турли видео ҳамда мультипликацион материаллар тайёрланиб, тизимда оммалаштириб борилмоқда.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга жами 3,9 миллион нафар ўқувчи қамраб олинган. Мазкур тўгараклар ва машғулотлар ёзги таътил кунларида самарали фаолият олиб бормоқда.

Фарзандларимиз — эртанги умидимиз, Ўзбекистоннинг истиқболи, бунёдкорлари. Шундай экан, соҳага янгича ташаббусларни татбиқ этиш тизим вакилларидан, ҳар бир устоз-муаллим, мураббийдан ҳамиша, ҳар дақиқа изланиш ва интилишни тақозо этади. Ана шундай ташаббуслар самарасида давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар, ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигида ҳар ҳафтанинг душанба куни "Эрталабки сафланиш", жума куни "Маънавият куни" ва 1-соатда "Синф соати", ҳар ойда муҳим саналарга бағишланган "Маънавият ҳафталиги", педагог ходимлар учун ҳар ойнинг охирги жума куни "Маънавият соати" тадбирларини ташкил этиш йўлга қўйилган.

Эртанги кун эгаларининг Ватанга муносиб бўлиши ҳақида гап кетар экан, бу борада давлатимиз раҳбарининг "Илмни қадрланг, илмга интилинг!" деган даъвати уларнинг онгу қалбида ҳамиша акс садо бериб, олдинга интилишга куч ва шижоат бахш этиб туриши, шубҳасиз.

Ўқувчи-ёшлар, фарзандларимиз, эртамиз эгалари бутун диққат-эътибори, ўй-мақсадини ана шу эзгу ният рўёбига қаратиши йўлида эса мамлакатимиз маърифат соҳаси, халқ таълими тизимидаги саъй-ҳаракатлар, изланишлар, янгиланишлар бардавомдир. Зотан, биз, маорифчилар янги Ўзбекистонни бунёд этишга бутун илму-салоҳиятимиз, тафаккуримиз, тажриба ва маҳоратимиз билан салмоқли ҳамда самарли ҳисса қўшишга аҳд қилганмиз.

Бу йўлда эса тафаккур қанот, маънавият юксак чўққилар ва парвозга ундовчи асосий мезон бўлади.

**Ваҳобжон РАЖАБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари.**

"Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти жамоаси институтнинг Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш ва оила психологияси бўлими бошлиғи, филология фанлари доктори **Гулҳумор ТЎЙЧИЕВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!







Андижон вилояти

# ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН НЕЪМАТ

***Халқимизнинг ерга меҳри бўлакча. Чунки мана шу она замин, ҳар ҳовучи тиллодан ҳам қиммат тупроғи халқни боқади. Ерга бирни берсак, у бизга юзни қайтаради. Ҳар бир экилган уруғ мана шу элнинг ризқидир.***

Ортда қолган йилларни сарҳисоб қилар эканман, мустақилликнинг энг катта неъматларидан бири — ерни фермерларга тақсимлаб берилганлигида, деб ўйлайман. Халқимиз фермер хўжаликлари таркибида қишлоқ хўжалигини юксак даражага олиб чиқмоқда. Боиси республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзи мана шундай юқори натижаларга йўл очиб беряпти.

Оддий бир мисол, мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида мевани қайта ишлаш корхонасига асос солдик. Натижада 200 гектар майдондаги боғдан йиғиб олинган ҳосилни экспорт қилиш имкони пайдо бўлди. 150 ишчидан таркиб топган жамоамиз билан ҳар йили 150 минг тонна мевани қайта ишлаяпмиз. Бунинг учун Шаҳрихон, Андижон ва Балиқчи туманлари деҳқонлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик. Йилнинг шу даврига қадар 100 тонна қуритилган булғор қалампири, 40 тонна карам ҳамда шунча миқдорда сабзи экспорт қилганимизнинг ўзи ҳаракатларимиз нечоғли самарали бўлаётганидан далолат. Ҳозирги кунда ҳам Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Бельгия каби давлатлар буюртмаси ижроси йўлида меҳнат қиляпмиз.

Ҳукуматимиз биз учун шунча шароитлар яратиб бериш билан бир қаторда, ютуқларимизни ҳам эътироф этаётганидан қувонасан, киши.

Яқинда бўлиб ўтган "Ташаббус — 2021" кўрик-танловида "Йилнинг энг яхши фермер хўжалиги" номинацияси ғолиби бўлганим ҳам аслида эзгу мақсадларимиз йўлидаги шижоатимизга билдирилган ишонч, деб биламан.

**Ҳусниддин КАРИМОВ,**
**Асака туманидаги «Обод турмуш орзуси» фермер хўжалиги раҳбари, «Ташаббус — 2021» кўрик-танлови ғолиби.**

## КИМДАНДИР НАЖОТ КУТИБ ЯШАЙДИГАН ДАВР ЎТИБ КЕТДИ

***Таълим соҳасига берилаётган эътибор мен тенги ёшларнинг камолот сари дадил одимлашимизда қанот бўлаётир, десам, айни ҳақиқат. Юртимизда ёш авлод камолоти йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлар туфайли Андижон тиббиёт институти талабаси бўлдим.***

Бугунги талаба диплом учун эмас, балки етук мутахассис бўлиш учун сабоқ олмоқда. У назарий билимини амалиётга уйғунлаштирган ҳолда янги лойиҳаларга асос соляпти.

Ўзим ҳам таҳсил олаётган йўналишга оид истиқболли лойиҳалар устида астойдил изланяпман. Ана шулардан бири "Қувноқ оёқчалар" лойиҳаси бўлиб, унга биноан қандли диабет билан оғриган беморлар, имконияти чекланган инсонлар ва қариялар учун махсус оёқ кийим яратдим. У қандли диабетдан азият чекаётганларнинг оёғида вибромассаж ҳамда термотаъсир қилиш орқали қон айланишини яхшилайди. "Диабетик тўпиқ" синдромининг олдини олади. Яъни 80 фоиз ҳолатда оёқ кесилишига сабаб бўлаётган трофик яралар пайдо бўлишига йўл қўймайди. Чет элда бу каби оёқ кийим бажарадиган ишни махсус мосламалар ёрдамида бажарилади. Бу жуда қимматга тушгани боис аксарият беморлар ундан фойдаланиш имконига эга эмас. Бизда бўлса уни оддий пойабзал нархида сотиб олиш мумкин бўлади. Демак, биз нафақат касалланганларга ёрдам берамиз, балки маҳсулотни экспорт қилиш орқали мамлакат иқтисодиёти тараққиётига ҳам ҳисса қўша оламиз.

Яна бир лойиҳа сил касаллиги билан оғриган беморларнинг дори воситаларини истеъмол қилиш жараёнини тартибга солувчи мосламадир. Тан олиш керак, бизда касалликнинг ушбу тури билан хасталанганларнинг аксарияти дори қабул қилиш тартибига амал қилмаганлиги боис дарди ошишига сабаб бўлади. Биз яратган мослама эса касалланганлар учун ягона дастурни тавсия этади. Натижада битта беморга 7-8 минг АҚШ доллари ўрнига атиги 500 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлашга эришилади. Бу каби лойиҳалар юқорида айтганим каби тиббиёт соҳасининг ривожига ҳисса қўшибгина қолмасдан, мамлакат иқтисодиётини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Истиқболли лойиҳалар эса табиийки, бизга яратилган шароитлар мевасидир.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан "Мард ўғлон" давлат мукофотига муносиб топилдим. Аслида бу менинг хизматимга эмас, балки юртимизда ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига берилган муносиб баҳо, десам, тўғри бўлади. Зеро, ёшларга яратилган катта имконият ва шароитлар мана шундай истиқболли лойиҳаларнинг юзага келишига замин яратмоқда.

**Исломжон БЕКТОШЕВ,**
**Андижон давлат тиббиёт институтининг 6-босқич талабаси, «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби.**

## КЕЛАЖАКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Баъзан ёши катта ака-опаларимизнинг "Ҳозирги ёшлар учун ҳамма шароит етарли, бизнинг давримизда бунақа эмасди" деган гапларини эшитиб қоламан. Ҳақиқатан ҳам, бугун бизга берилаётган имкониятларнинг чек-чегараси йўқ.***

Ўзим ҳақимда айтсам, бу йил мактабни тамомладим. Яхши ниятлар билан институтга ҳужжат топширдим. Мабодо, ўқишга кира олмасам ҳам ўзим хоҳламаган бирор юмуш билан банд бўлмайман. Боиси Хўжаобод тумани ҳокимлиги ва "Микрокредитбанк" кўмаги билан тикув машинасига эга бўлдим. Якка тадбиркор сифатида тикувчилик фаолиятимни бошлаш учун барча шароитга эгаман. Мўъжазгина лойиҳам амалга ошса, ўзим тенги яна икки қизни иш билан таъминлай оламан.

Кўряпсизми, институтга кира олмаган тақдиримда ҳам тадбиркор сифатида фаолият юритишим учун имкониятга эгаман. Бу ҳам бўлса битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга бўлган эътибор натижасидир. Бугунги ёшлар таълим оралиғидаги узилишда бекор қолмайди, умрини зое кетказмайди, қайтанга иккинчи бир имконият эшикларини очади.

Жорий йилда Хўжаобод туманидаги 34 та умумтаълим мактабини 1 минг 216 нафар ёш тамомлади. Шулардан 33 нафарига тикувчилик, пазандачилик, новвойчилик, косибчилик йўналишларида ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит асосида тикув машинаси, қандолат ва нон маҳсулотлари тайёрлаш ускуналари топширилди. Эътиборни қарангки, мутасаддилар керак бўлса, харидоргача ўзлари топиб бермоқда. Бу ғамхўрликка шукрона келтириш, ишончни оқлаш, нималарга қодир эканлигимизни амалда ифода этиш — бизнинг бурчимиз.

Ишонаманки, ёшларга берилган эътибор эртанги кунимиз учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди. Мен Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамини қалбимда шу каби туйғулар билан қарши олмоқдаман.

**Нилуфар АҲМЕДОВА,**
**мактаб битирувчиси.**
Хўжаобод тумани

## БАЙРАМНИ ЯНГИ УЙДА НИШОНЛАЙМИЗ

***Инсон ҳаёти турфа синовлардан иборат бўларкан. Мана, ўн йилдирки, ижарама-ижара яшайман. Избоскан туманидаги ота уйимдан 4 сотих майдон ажратиб берилган бўлса-да, бир дона ғишт қўйишга қурбим етмади. Пешонамга бир умр шу аҳволда яшаш битилганмикин, дея тушкунликка тушдим. Ҳаётга бўлган иштиёқим сусайди.***

Шундай кунларнинг бирида кутилмаганда тушкун ҳолатдаги турмушимга бирдан нур ёғилди. Сенат аъзоси Матлуба Ғаниева "Халқпарвар" комиссияси аъзолари билан уйимга кириб келиб, турмуш шароитимни ўрганишди ва менга ёрдам беришга қарор қилишди. Шундан сўнг уйимга 4 тонна цемент, 40 дона шифер, уч машина шағал олиб келинди. Ҳадемай, қурилиш ишларини бошлаймиз. Шукрки, мустақиллигимизнинг 30 йиллик тўйини янги уйимизда кутиб оладиган бўлдик. Бундан ниҳоятда миннатдорман.

Ҳаёт жуда тез ўзгариб кетди. Яқин ўтмишимизга назар ташласак, бу масалага, айниқса, қишлоқда яшовчи одамлар турмуш даражасини яхшилашга юзаки қаралганига гувоҳ бўламиз. Қишлоқ деганда, кўпинча кўз олдимизда чангу лой кўчалар, наридан-бери сомонсувоқ қилинган пастқам уйлар гавдаланарди. Пешонага битилгани шу экан-да, қишлоқчилик шундайда, деган кўникиш одамлар онгига сингиб кетган эди.

Боз устига, авваллари, бошимизга ташвиш тушса чорасиз эдик. Бугун бўлса, ҳолимиздан хабар олувчилар бор. Кунда-кунора ҳали ҳокимиятдан, ҳали банкдан, маҳалладан вакиллар келиб, турмуш шароитимизни ўрганишяпти, ёрдам беришяпти. Фуқароларнинг имконига қараб даромад манбаига эга қилиш учун барча имкониятни ишга солишмоқда.

Биз ҳам шу жамият учун, элу юрт учун керакли одам эканлигимизни ҳис эта бошладик. Мана шундай эътиборга жавобан ҳеч бўлмаса чиройли турмуш кечириш, фарзандларни тарбияли қилиб камол топтириш, катта ишлар қўлимиздан келмаса ҳам чиройли амалларимиз билан элимизга, халқимизга далда бўлишни бурчим, деб биламан.

**Шоирахон ЖАЛИЛОВА,**
**уй бекаси.**
Андижон тумани

## МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ЭКСПОРТ ҲАМ ҚИЛИНМОҚДА

**Қишлоқ аёли, деганда елкасидан кетмони тушмайдиган, қўли қаварик, қуёш нури куйдирган юзига ажин из солган аёлни кўз олдимизга келтириб ўрганиб қолганмиз. Дарвоқе, аслида ҳам шундай бўлган. Тонгни сигир соғишу, нон ёпиш билан қарши олиб, кун бўйи даладан қайтмаганмиз. Оқшомлари овқат тайёрлаб, кир ювиш билан банд бўлганмиз. Оила, рўзғор, фарзанд тарбияси туфайли ўзимизга қарашга ҳам улгурмаганмиз.**

Бу — энди кечаги кун хотираси. Бугунги аёллар бошқача, аввало, уларнинг дунёқарашлари ўзгарди — у ўзини, ён-атрофидагиларни, оиласини, маҳалласини севишни ўрганди. Шу боис ҳам саломатлигига, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, меҳнатни самарали уюштиришга эътибор қарата бошлади.

Мен истиқомат қилаётган Маданият қишлоғи нафақат Андижон вилоятининг, балки мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланади. У Пахтаобод туманида жойлашган бўлиб, Қирғизистон Республикаси билан шундоқ чегарадош. Имкон қилсак, далада ишладик, имкон топмасак уйда ўтириб, борига шукр қилиб яшадик.

Сўнгги йилларда хотин-қизларга бўлган эътибор қишлоғимизга файз, рўзғоримизга барака олиб кирди. Янгидан-янги объектлар фойдаланишга топширилди. Уларда иш бошлаган замондошларимизнинг турмуш шароити янада яхшиланди.

Ўзим "Ал-Ҳаким текстиль" корхонасида ишлай бошладим. Шароитлари яхши, уч маҳал иссиқ овқат, ишга бориб-келиш учун алоҳида транспорт воситаси билан таъминланган. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар экспорт ҳам қилинмоқда. Ким ҳам ўйлабди дейсиз, шу чекка қишлоқдаги бир корхона ўз маҳсулотларини хорижга сотади, деб. Буларнинг барчаси сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасидир.

Қишлоғимизнинг аёллари корхонамизда яратилган қулайликлардан ниҳоятда хурсанд. Боиси, биринчидан, доимий даромад манбаига эгамиз. Рўзғоримиз бут бўлгач, оиламиздан ҳам кўнглимиз тўқ. Иккинчидан, иш жойимиз уйимизга яқин. Учинчидан, биз энди жамиятнинг фаол вакиллари ҳисобланамиз. Бир пайтлар ҳовлисидан ташқарини кўрмаган, жамиятдаги ўзгаришлардан бехабар аёллар эндиликда ана шу ўзгаришларнинг фаол иштирокчиларига айланиб, мана шу юртга, оиламизга нечоғли керак эканлигимизни англадик.

**Зулфияхон АБДУРАҲМОНОВА,**
**Пахтаобод туманидаги «Ал-Ҳаким текстиль» корхонаси ишчиси.**





## «ЯХШИ ГАПНИНГ ҚАНОТИ БОР»

**"Мустақиллик менга нима берди?" деган саволга "Ҳар доим тинчлик ва хотиржамлик берди", дея жавоб берардим. Бугун ушбу гапга "Тўғри яшашни ҳам ўргатди" дея қўшимча қилмоқчиман.**

Мен истиқомат қилаётган Булоқбоши тумани аграр ҳудуд ҳисобланади. Аҳолининг асосий даромади ердан. Айниқса, саримсоқпиёз ва узумчиликнинг ҳадисини олганмиз. Саримсоқпиёз етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси айнан бизнинг туманда ташкил этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари ҳар гал Андижон вилоятига ташриф буюрса, албатта, истиқболли лойиҳаларга тамал тоши қўйиб беради. Қувонарлиси, бунинг ижобий натижаси, аввало, аҳоли турмуш тарзида ўз ифодасини топади. Ҳар бир карич ердан унумли фойдаланиш тўғрисидаги кўрсатмалари ижроси туфайли туманимизда узумчиликка бўлган эътибор ҳам ниҳоятда ортди. Аслида ҳам томорқамизда узум етиштириш билан машғул бўлиб, бир йилда 15 тоннагача ҳосил олиб келганмиз.

Буни қарангки, ҳалиям имкониятимиз кенг экан. Туман ҳокимлиги вакиллари ва маҳалла аҳли билан ўзаро келишиб, ички имкониятларни ишга солмоқчи бўлдик. Биз мавжуд еримизга ишлов беришни, ҳокимият эса маблағ томонидан кўмак кўрсатишини билдирди.

Натижада тумандаги 11 маҳалланинг 40 та кўчасида темир ишкомлар қурилди. Улар шундоққина кўчамизда барпо этилгани боис томорқамизга қўшимча даромад манбаига айланди.

"Яхши гапнинг қаноти бор", деб бежиз айтишмас экан. Бу ташаббус Асака, Олтинкўл, Жалақудуқ ва Марҳамат туманларида ҳам кенг жорий этилаётган бир пайтда Сурхондарё вилоятидан меҳмонлар келиб қолди. Улар ҳам ички кўчалардаги ишкомларни барпо этиш, ундан ҳосил олиш тажрибасини ўрганганини келишган экан, бажонидил рози бўлдик.

Биргина шу лойиҳа туфайли юзлаб ишсиз аҳоли даромад манбаига эга бўлди. Ахир шунча майдондаги токни парваришлаш ҳам икки-уч кишини банд қилади. Ҳаракатдаги одам эса ҳовлисининг ўзидан хазина топади, деяверинг.

Энди айтинг, ўша хазинани шунча йиллар давомида нега кўрмадик? Боиси биз ҳаётимизни, турмушимизни тўғри ташкил этишни билмадик. Борига шукр қилдик, янги имконият изламадик. Бироқ энди замон ўзгарди. Керак бўлса, ишкомнинг қуйи қисмидан ҳам даромад олишни, шу тариқа оиламиз даромадини оширишни йўлга қўямиз. Демак, мустақиллик бизга янги замон билан юзлашишни ўргатди.

**Маҳмуджон ҒОЗИЕВ,**
**«Булоқбоши» газетаси муҳаррири.**

## САЛОМАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

**Инсон ҳаётининг бахтли ва файзли кечиши саломатлик билан чамбарчас боғлиқ. Узоқ йиллардан буён дард билан олишаман. Кўп вақтим меҳнатдан ажралган ҳолда уйда ҳамда шифохонада ўтаётир. Ана шундай пайтларда телевизор жонимга оро киради. Бир оз бўлса-да, чалғийман.**

Мунтазам равишда ахборот дастурларни томоша қиламан. Боиси мамлакатимиз ҳар куни ўзгармоқда. Кўрсатувларни кўриб инсон зоти қанчалик қўлигул, бунёдкор эканлигидан ҳайратланаман. Касаллигим сабаб, тиббиёт соҳасидаги янгиланишлар эътиборимни тортади. Тўғриси, қувончим ортида бир энтикиш ҳам йўқ эмас эди. Сабаби, ҳар қанча янгиликлар яратилмасин, барибир, айрим касалликлар учун пойтахтда даволанишга мажбурмиз. Бу ортиқча маблағ талаб қилгани боис ҳамманинг ҳам қурби етавермайди. Ана шундай пайтда ҳар бир вилоятда ҳам замонавий шифохоналар очилса бўлмасмикин, деб ўйлаб қолардим.

Ҳамма нарсанинг ўз вақти-соати бор экан. Андижон шаҳридаги 185 ўринли республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон вилояти филиали қошида "Нур" бўлимининг ташкил топиши мен кабиларнинг миннатдорлигига сабаб бўлди. Бўлим замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Айтишларича, улар хориждан олиб келинибди. Биргина "Терабалт" аппарати орқали бир йилда хавфли ўсма касаллиги билан хасталанган минг нафар беморни даволаш имконияти яратилибди. Ҳукуматимизнинг ҳудудларга эътибори туфайли энди Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларидаги беморларнинг пойтахтга бориб даволанишларига ҳожат қолмади.

Шу ўринда Фарғона водийсидаги тиббиёт муассасалари қўшни Қирғизистон ва Қозоғистон давлатидан ташриф буюрган беморларга ҳам самарали хизмат қилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Бу соҳада юзага келаётган тараққиётдан нишонадир.

Соғлик-саломатликда ўтаётган ҳар кунимиз байрам, аслида. Ишонаманки, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар тиббиёт соҳасини бундан ҳам юқори даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

**Маҳлиёхон АШУРОХУНОВА.**
Андижон шаҳри

**Саҳифа материалларини Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**
**Суратларни Зуҳриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА) олган.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6